

ҲАРАКАТДА – БАРАКАТ



Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, айтиш керакки, қақраб турган далаларга сув оқизилгандек, йўл устида тўхтаб қолган поездни юргизиб юборгандек таассурот уйғотди халқимизда. Мазкур стратегиядаги йўналишларнинг ҳар бири ўз ичига бутун-бутун соҳаларни қамраб олганки, кўрсатилган вазифаларни бажаришга ҳар бир фуқаро, ҳар бир раҳбар ходим ўз ваколати, ўз касбкори доирасида жавобгар.

Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳам худудда 2020 йилгача бўлган даврда сув таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш стратегиясини ишлаб чиқди. Маълумки, Қорақалпоғистон Республикасининг умумий майдони 166,59 минг кв. км ни ташкил этади. Аҳолиси 1 648,9 минг киши (2012 йил 1 январь ҳолатига кўра), шу жумладан, шаҳарларда 679,0 минг киши, шаҳар типидаги посёлкаларда 151,0 минг киши, қишлоқ жойларда 818,9 минг киши истиқомат қилади. Бу кўрсаткичлар кейинги йилларда янада ўсган. Чунки, сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси 32 млн. дан ошиб кетгани айтилмоқда, демак аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш миқёси ҳам ўсган.

Қорақалпоғистонда бугунги кунда Нукус, Тахиатош, Беруний, Қўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой ва Мангит каби еттита республика миқёсидаги шаҳар, ўн тўртта туман, ўнлаб шаҳар типидаги посёлкалар ва юзлаб аҳоли пунктлари мавжуд. Мазкур шаҳар ва қишлоқларнинг ҳаммасида коммунал хизматларни йўлга қўйиш бизнинг биринчи галдаги

вазифамиз. Ана шу мақсадда, Ўзбекистон Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, ҳудудий уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, вазирлик таркибида кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари, “Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонасининг ҳудудий филиаллари ишлаб турибди.

Қорақалпоғистон Республикасида бугунги кунда 212 та сув тармоқлари фаолият юритмоқда. Шулардан 16 таси “Коммунхизмат” агентлигининг “Туямўйин-Нукус” минтақалараро сув тармоқларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, 193 та сув тармоғи эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қаракалпаксельхозводопровод” трестига, қолган 3 та сув иншооти эса “Ўзбекнефтьгаз” компанияси тасарруфида. Шунингдек, республикада 14 та канализация тизими мавжуд. Улардан 10 таси туман ва шаҳар ҳокимиятлари ихтиёрида.

Республикада асосан Амударё сувидан, шунингдек, суғориш даврида Амударёдан сув оладиган каналлар ва сув ҳавзалари бўйидаги ер ости ичимлик сувидан фойдаланилади. Беруний, Тўрткўл, Халқобод ва Чимбой шаҳарлари ер ости сув омборлари тизимига эга.

1991–1992 йиллардан бўён республикада сув тармоғининг минтақалараро тизими фаолият юритиб келади. Мазкур тизимга Нукус, Тўрткўл, Беруний, Бўстон, Оқманғит, Халқобод, Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир ва сув манбасига яқин бошқа аҳоли пунктлари уланган. Уларга ичимлик суви “Туямўйин” сув тозалаш иншооти орқали етказиб берилади. 1994 йилда “Тахиатош” сув тозалаш иншооти ишга туширилгач, у Тахиатош, Хўжайли, Қўнғирот шаҳарларини, Қанглиқўл, Шуманай туман марказлари ва сув манбасига яқин бошқа аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаб келмоқда. Бир кечакундузда 60,0 минг. м³ сув бериш қувватига эга “Тахиатош” сув тозалаш иншооти 2011 йилда қайта реконструкция қилинган. Бундан ташқари, Нукус шаҳридаги Қизкеткан канали устида бир кечакундузда 65 минг м³ сув ўтказиш қувватига эга сув тозалаш комплекси ишлаб турибди. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини сув билан таъминлаш аҳволи қўйидагича:

Қорақалпоғистоннинг ўнг соҳил туманлари (Тўрткўл, Беруний, Элликқалъя, Нукус, Кегайли, Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпир) Туямўйин-Нукус-Чимбой-Тахтакўпир ҳудудлараро сув таъминлаш тизимидан, шунингдек, ер усти ва ер ости сув манбаларидан таъминланади.

Республиканинг чап соҳил туманлари (Хўжайли, Қанглиқўл, Шуманай ва Қўнғирот) Тахиатош-Қўнғирот ва Туямўйин ҳудудлараро сув тақсимоти тизимидан



Суратда: Нукус шаҳрининг умумий қўриниши.

сув ўтказгич орқали, шунингдек, бошқа сув манбала-ридан фойдаланади.

Маълумки, шаҳар аҳолисига тоза ичимлик суви ва канализация хизмати кўрсатиш ичимлик суви таъминотчилигининг муҳим вазифалари-дан саналади. Қорақалпогистон Республикасида “Туямўйин-Нукус” минтақалараро сув таъминоти тизимининг шаҳар корхонаси мавжуд. Унинг таркибида 16 та коммунал сув тармоқла-ри, шундан 11 таси шаҳар ва 5 та туманлар та-сарруфидаги корхоналар бўлиб, уларда 1 018 киши меҳнат қиласи.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъ-минлаш вазирлик хизматчиларининг доимий дикқат эътиборида. Республикада “Каракалпаксельхозво-допровод” трести қишлоқ сув таъминоти корхонаси фаолият юритади. Унинг таркибида 13 та туман бў-лимлари мавжуд бўлиб, 612 нафар киши хизмат қиласи. Сув тармоғининг умумий узунлиги 3 135,0 км, шундан 722,9 км қайта таъмирга муҳтож. Сув тар-моқлари тизими бир кеча-кундузда 44,83 минг м³ сув ўтказиш қувватига эга. Амалда бор-йўғи 9,0 м³ сув етказиб берилмоқда, холос. Аҳолининг бир кеча-кун-дузда сувдан фойдаланиши киши бошига 55 литр ни ташкил этади. Абонентларнинг умумий сони 21 237 нафар бўлиб, шундан 153 таси юридик шахслар, қолган 21 084 нафари жисмоний шахслардир.

Кейинги йилларда Осиё Тараққиёт банки кредит-лари ҳисобига Амударё, Беруний, Кегайли, Хўжайли ва Шуманай туманларида сув таъминоти бўйича умумий қиймати 20,1 млн. АҚШ доллари миқдорига teng реконструкция ишлари амалга оширилди. Мазкур лойиҳа асосида яна 150,4 км узунликдаги сув тизими тармоқлари қурилиши кўзда тутилган. Хо-

риж сармояси асосидаги мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши билан сув таъминоти бир кеча-кундузда 10,5 минг м³ га кўпаяди.

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларда замона-вий канализация тизимини жорий этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Афсуски, республика бўйича марказлашган коммунал канализация тизими Нукус ва Тахиатош шаҳарлари аҳо-лиси ва корхоналарини қамраб олган, холос. Қолган барча шаҳар ва туман марказларида марказлашган канализация тизими мавжуд эмас.

Нукус шаҳрида 275,4 минг киши истиқомат қиласи. Шундан 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 82,9 минг киши ёки 30,1 фоиз аҳоли марказлашган канализация хизматидан фойдаланади. Шаҳар канализация тизимида 19 та насос станциялари бўлиб, битта тозалаш иншооти мавжуд. Канализация тар-моғи ва коллекторларнинг узунлиги 132,3 км ни таш-кил этиб, шундан 25,7 км алмаштиришга муҳтож.

Тахиатош шаҳар канализация тизими оқава сув-ларни қабул қилиш ва тозалаш билан шуғулланади. Шаҳарда 47,6 минг киши истиқомат қиласи. Шундан 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра марказий коммунал канализация тизимига 6,1 минг киши ёки умумий аҳолининг 12,7 фоизи уланган, холос. Шаҳар канализацияси таркибида 5 та насос станцияси ва 1 та тозалаш иншооти мавжуд. Амалдаги канализация тармоқлари ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Мазкур иншоотлар ҳозирги пайтда яроқсиз ҳолга келиб, зудлик билан қайта қуришни талаб қиласи.

Қорақалпогистон Республикаси аҳолисини мар-казлашган ичимлик суви билан таъминлаш юза-сидан бир қатор инвестициявий лойиҳалар кўзда

тутилган. Аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб, 2020 йилга бориб аҳолининг умумий сони 1 795,6 минг кишига (8,9 фоиз ўсиш), шу жумладан, Нукус шаҳрида аҳоли сони 297,6 минг кишига етиши мумкин. Борйўғи бундан 5–6 йил нарида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарларида аҳоли сони 679,0 минг киши, шаҳар типидаги посёлкаларда 151,0 минг киши, қишлоқ аҳоли пунктларида 818,9 минг киши истиқомат қиласр эди. 2020 йилга бориб мазкур кўрсатгич мутаносиб равишда 735,3 минг киши, 159,8 минг киши ва 900,5 минг кишига етиши тахмин қилинмоқда.

2012 йил 1 январь ҳолатига кўра марказлашган сув тақсимоти хизматлари 65,8 фоиз аҳолини қамраб олган бўлса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 91,9 фоизга кўтарилиши, шу жумладан, шаҳарларда мутаносиб равишда 2011 йилда 74,9% ва 2020 йилга бориб 100%, қишлоқ аҳоли пунктларида эса мутаносиб равишда 52,3% ва 83,0% га етади.

Комплекс чора-тадбирлар белгилаш жараёнида барча аҳоли пунктларида сув тақсимоти ва канализация тизимининг ҳолати тубдан ўрганилди.

Изланишлар натижалари умумлаштирилди, текширилди ва улар асосида халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда 2020 йилгача сув тақсимоти ва канализация тизимини ривожлантиришни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Шаҳарларда аҳолини марказлашган сув тақсимоти билан таъминлаш 100% га ва қишлоқ аҳоли пунктларида 85% га, канализация тизими мавжуд шаҳарларда ушбу хизматни 70% га етказиш кўзда тутилмоқда.

Республиканинг барча шаҳар ва туманларида сув захиралари манбаларини аниқлаш бўй-

ича 2020 йилгача инвестицион режа тузилди. Бунда бутун инвестициялар ҳажми 311,5 млн. АҚШ долларига тенг миқдорида, шу жумладан, сув тақсимотида 251,3 млн. АҚШ доллари, канализация хизматлари 60,2 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда ҳисоб-китоб қилинди. Бугунги кунгача кўрсатилган ҳажмнинг 84,7 млн. АҚШ доллари. (27%) жалб қилинган.

Сув тақсимоти ва канализация хизмати корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали кадрлар, хуқуқий норматив ҳужжатлар билан таъминлаш юзасидан таклифлар берилди. Шу пайтгача мавжуд қарздорликларни тугатиш бўйича аниқ муддатлар белгиланган.

Маълумки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, яъни келгуси беш йилда ҳар бир бўйича давлат дастури қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган. Янги 2019 йил мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб белгилангани ҳам бежиз эмас. Буларнинг барчаси катта мақсадлар йўлидаги хайрли ҳаракатлардир. Ҳаракатда эса доим баракат бўлиши, шубҳасиз.

Рустам ГУЛЯМОВ,
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазирлиги Ичимлик суви таъминоти ва оқава
сув тизимлари истиқболини белгилаш
ва ривожлантириш бошқармаси бошлиги

Мўйноқга тоза ичимлик суви келди.
Эндиликда мавжуд сув тармоғи бир кечакундузда 7000 м³ сув етказиб бериш имконига эга.

